

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнь ойларида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 15 069,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 % га ўсди.

2019 йил январь-июнь якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 15 329,6 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,5 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Навоий вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,8 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йил январь-июнига нисбатан, % да
	2018 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнь	
I. ЯҲМ	9 647,4	15 069,0	103,3
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 287,1	14 521,3	103,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	360,3	547,7	103,2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 287,1	14 521,3	103,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 829,3	2 146,3	103,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5 880,2	10 386,0	103,0
саноат	5 427,4	9 665,5	100,8
қурилиш	452,8	720,5	129,8
Хизматлар	1 577,6	1 989,0	104,2
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	437,3	504,6	103,9
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	301,2	326,2	104,1
бошқа хизмат	839,1	1 158,2	104,4

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,2 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 14,8 %), саноат -100,8 % (66,6 %), қурилиш-129,8 % (5,0), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,9 % (3,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,1 % (2,2 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,4 % (7,9 %) ни ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-июнида
ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари
бўйича ўсиш суръатлари.**




Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,4 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 3,6 % ни ташкил этди.


Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 8,3 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 71,6 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йилнинг январь-июнида 14,8 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (19,7 %) билан таққосланганда 4,9 % пунктга, хизматлар соҳаси 13,6 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (17,0 %) билан таққосланганда 3,4 % пунктга камайди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2018 йил январь-июнь



2019 йил январь-июнь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 3,5 % ни (2018 йил январь-июнида 4,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 2,2 % ни (3,2 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 7,9 % ни (9,1 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2018 йил январь-июнь



2019 йил январь-июнь



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими
Нашр учун масъул: А.Қўлдошев
Тел: (0371) 230-84-33**